Ушбу сонда:
2 ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ унга панжа орасидан қараш қимматга тушмоқда
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 5 март, шанба № 38 (1879)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан:

муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар - резервга;

муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар - захирага бўшатилсин.

2. 1978-1987 йилларда туғилган, чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2005 йилнинг апрел-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (О.Обидов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов) бир ҳафта муддатда «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларнинг яшаш жойларига қайтиш тартиби тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқсинлар ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан биргаликда жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил қилсинлар, чақирилувчиларнинг сифатли ва холисона тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Қуролли Кучлардан бўшатилган фуқароларни уларнинг хизмат даврида эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов), Қуролли Кучлар Бирлашган штаби (И.Эргашев), ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари:

муддатли ҳарбий хизматга янгидан чақирилган ҳарбий хизматчиларни қўшилмаларга ва қисмларга қабул қилишда юксак уюшқоқликни, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини;

муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматчилар ҳарбий мутахассисликларни сифатли ўзлаштириб олишига, жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топишига, мақсадга интилиш, Ватанга муҳаббат ва уни ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туришга асосланган мустаҳкам ҳаётий фазилатларни шакллантириш йўлида уларнинг самарали жанговар тайёргарлигини ташкил қилишни, маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашни таъминласинлар.

6. «Ўзтелерадио» компанияси (А.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов), Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов)га чақирилувчиларни Қуролли Кучларда хизмат қилишга тайёрлашнинг боришини, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришнинг амалга оширилишини, чақирув комиссиялари ишини, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг ташкил қилинишини ва Қуролли Кучлардан резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни жойларда кутиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгаши Котиби Р.Мирзаев зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 4 март

*Мухбир нуқтаи назари*

# МУАММО
## уни четдан биров келиб ҳал қилмайди

***Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, уни юқори босқичга кўтариш борасида кенг кўламли ишлар юзага чиқарилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши, ҳар томонлама етук ва соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишга қаратилган давлат дастурларининг босқичма-босқич амалга оширилиши тиббиёт ходимларидан катта масъулият ва фидойиликни талаб этади. Айниқса, жорий йил мамлакатимизда Сиҳат-саломатлик йили деб белгиланиши соҳага эътиборни янада кучайтирди.***

Юртимизнинг барча гўшаларида бўлганидек, Ургут туманида ҳам бу борада талайгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Туман ҳудудида айни пайтда 367 минг нафар аҳолига жами бўлиб 1070 ўринли 4 та марказий, 2 та юқумли ҳамда сил касалликлар шифохонаси, диагностика ва даволаш маркази, стоматология ва наркология диспансери фаолият кўрсатаётир. Шунингдек, 35 та ҚВП, 4 та амбулатория ва 26 та фельдшер-акушерлик пункти ҳам ишлаб турибди. Кўркам бинода барпо этилган ва 100 қатновга мўлжалланган диагностика даволаш маркази замонавий физиотерапевтик анжомлар билан таъминланган. Марказга ҳомийларнинг кўрсатаётган кўмагини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, тумандаги «УзБАТ» қўшма корхонаси томонидан машҳур хорижий фирманинг 250 минг долларлик ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари ҳадя этилди.Айни пайтда марказда 8 нафар шифокор, 32 нафар ҳамшира самарали фаолият олиб боришяпти. Беморларга кўрсатилаётган тиббий муолажалардан аҳоли мамнун. Туманда ягона бўлган мазкур масканга қўшни Тайлоқдан ҳам беморлар ташриф буюришиб, соғлиқларини тиклаб қайтмоқдалар.

Аҳолининг тиббиётга бўлган талабини тўлақонли қондириш мақсадида яна бир қулайлик яратилди. Ургутдаги «Матлуботсавдо»нинг бўш ётган биноси ҳашар йўли билан қайтадан таъмирланиб, катталар поликлиникасига айлантирилди. 54 минг аҳолига мўлжалланган тиббиёт масканига жами 56 миллион сўм маблағ сарфланди. Айни пайтда бу ерда 469 нафар шифокор ( шундан 28 нафари олий тоифали), 1662 нафар ҳамшира ишламоқда.

Туманда сил касаллигини олдини олиш бўйича 5 йилдан буён ДОТС дастури бўйича иш олиб борилиб, ушбу дардга чалинган беморлар соғломлаштирилди. Республика марказидаги Пулмонология ва фтизиатрия илмий текшириш институти ходимлари яқиндан кўмаклашишди.

Ҳозирги кунда туманда тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, замонавий ташхис ва тиббиёт асбоб- ускуналари билан жиҳозлаш, улардан самарали фойдаланишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 15 та ҚВП янги лойиҳа асосида бунёд этилиб, қолгани қайта таъмирдан чиқарилди. Жорий йилда туман ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан «Мўминобод» ва «Бахрин» ширкат хўжаликлари ҳудудида янгидан кичик тиббиёт масканлари барпо этиш режалаштирилган.

Тегинабегим қишлоғидаги врачлик пункти вилоятда илк ташкил этилган масканлардан. Ҳомийлар саъй-ҳаракати билан 29 кунда қуриб битказилган мазкур тиббиёт маскани 50 қатновга эга бўлиб, 3877 нафар кишига хизмат кўрсатмоқда. 2 нафар шифокор, 8 нафар ҳамшира меҳнат қилаётган пункт замонавий анжомлар билан жиҳозланган. Ўтган йили тиббиёт масканига вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан грант асосида 12 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар тақдим этилди. Бироқ, бу ерда баъзи камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, газ ва электр энергияси билан тўлиқ таъминланмаган.

Хўжақишлоқдаги 50 ўринли врачлик пункти ҳам талаблар даражасида жиҳозланган. 10 нафар малакали ходим меҳнат қилаётган пунктда 4 ўринли кундузги стационар, физиотерапия, муолажа, таҳлил, умумий амалиёт хоналари мавжуд. Лекин, масканни кўздан кечирсангиз, талайгина муаммоларга дуч келасиз.

Каттақўрғон туманида ҳам тиббиёт соҳасига сўнги йилларда эътибор сезиларли равишда ортди. Қарийб 200 минг аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудда марказий шифохона, юқумли касалликлар шифохонаси, 11 та ҚВП, 5 та амбулатория ҳамда 67 та фельдшер-акушерлик пунктлари фаолият кўрсатаётир. Бироқ, бу ерда ҳам талайгина камчиликлар мавжуд. Туман марказий шифохонасининг бош врачи Х.Хамраевнинг берган маълумотига кўра, 5 та ҚВПда музлатгич йўқ. Уларнинг бирортасига ҳам телефон алоқаси ўрнатилмаган. 4 таси эса физиотерапевтик жиҳозлар билан таъминланмаган. Марказий шифохонадаги туғруқхона бўлимидан ташқари бирор бинога водопровод суви киритилмаган, канализацияга эга эмас. Бу ердаги 34 та бўлимдан атиги 3 тасида музлатгич бор, холос...

**Одил ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**





Ўзбекистон касаба уюшмалари тармоқ тизимларида тажрибали, билимдон ва ташкилотчи хотин-қизлар фаолият юритмоқда. Инсонга наф келтириш – олий бахт, деган шиорнинг моҳиятини чуқур англаган фидойилар меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бошқалар қатори баҳор байрамини муносиб ютуқлар билан қаршилаётган Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси мутахассислари (суратда) ҳам хайрли тадбирларни амалга оширишда алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда.

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

### ОҚ ХАЛАТЛИЛАР ЧЕККА ҚИШЛОҚДА

Шовот туманидаги «Ижтимоият» қишлоғи аҳолисига тиббий ёрдам зарур бўлса, узоқ йўл босиб, туман марказига боришга тўғри келарди. Бу айниқса, бемор болаларга анча қийинчилик туғдирарди. Эндиликда бунга барҳам берилди. «Дўстлик» ширкат хўжалиги ва фермер хўжаликлари маблағи ҳисобига қишлоқда врачлик пункти қурилиб, ишга туширилди. Унга 150 миллион сўм сарфланди. Айни кунда ҚВПда тўрт нафар педиатор, акушер-гинеколог, стоматолог, терапевт ва 18 нафар ҳамшира фаолият кўрсатмоқда.

Тиббиёт маскани «Саломатлик-1» дастури бўйича замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Яқин орада бу ерга «Саломатлик-2» дастури асосида янги жиҳозлар, ускуналар келтириш режалаштирилган.

**К.РАҲИМОВ**

*Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари конференциясидан*

# ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИ
## ҳукуматимиз мададини чуқур ҳис этмоқда

***Меҳнаткаш ва танти, саҳро қуёши, гармсел ва изғиринларда тобланган, ўз юртининг тупроғини кўзига тўтиё қилиб, келажакка катта ишонч билан боқаётган қорақалпоқ халқи табиат қийинчиликларини мардонавор енгиб ҳамма соҳаларда ютуқларни қўлга киритмоқда.***

Кенгаш раиси Соғиндиқ Ниетуллаевнинг маърузаси ҳисобот даврида амалга оширилган кенг кўламли ишларни қамраб олган бўлса, музокарада сўзга чиққанлар эришилган муваффақиятларни эътироф этиш билан бирга йўл қўйилган камчиликларни танқид остига олдилар. Конференцияда турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаётган Оролбўйида мустаҳкам дўстлик ва биродарлик, бағрикенглик ва ҳамкорлик руҳи қарор топганлиги, мамлакат касаба уюшмалари Федерациясининг III Қурултойида қабул қилинган Ҳаракат дастурида ўртага қўйилган вазифалар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётганлиги яққол сезилиб турди.

- Мамлакатимиз шимолий ҳудудида жойлашган, табиати ва иқлими мураккаб қорақалпоқ диёри ўзининг қадимий тарихи, урф-одатлари, анъаналари, маданиятига хос бетакрор жиҳатлари билан ажралиб туради, - деди маърузачи. - Истиқлол шарофати билан Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Қўнғирот сода заводининг бунёд этилиши, Устюрт кенгликларида минглаб чўлқуварлар истиқомат қилаётган Элобод шаҳарчасининг қад кўтариши, "Марказий Осиё безак тошлари" қўшма корхонаси, Хўжайли шиша, Қўнғиротдаги карбид, Нукусдаги ун ва кабел заводлари, "Катекс", "Элтекс" енгил саноат мажмуаларининг фойдаланишга топширилиши юртимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. "Ийгиликгаз" корхонасида қайта ишланаётган табиий ёқилғи ва конденцат, Қўнғирот - Бейнау автомобил, Навоий - Учқудуқ - Нукус темирйўли мустақиллик меваси сифатида тарихга кирди.

Бугунги кунда Орол муаммосини ҳал этишга жаҳон ҳамжамиятининг эътибори қаратилган. Марказий Осиё давлатлари ўртасида Битим имзолангани, давлатлараро кенгаш ва Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси ташкил этилганлиги, ижтимоий-иқтисодий, экология ва халқ хўжалиги йўналишида ўнлаб лойиҳалар амалга оширилаётганлиги денгизнинг қуриши туфайли юзага келган мураккабликни юмшатади, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш имконини яратади.

Вазирлар Маҳкамасининг "Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори минтақада экологик муаммоларнинг ечимини топиш, табиий мувозанатни сақлаб қолиш, соғлом авлодни шакллантиришни назарда тутади. Республика Президенти ва ҳукуматининг доимий эътибори, амалий ёрдами туфайли шаҳар ва қишлоқлар, овуллар тобора обод бўлиб, аҳолини ичимлик суви, табиий газ билан таъминлашга катта аҳамият берилаяпти. Чимбой ва Тахтакўпир, Қўнғирот ва Қонликўл овулларидаги йигирмадан ортиқ аҳоли масканларига тоза ичимлик суви келтирилди, газлаштирилди.

Сафларида 356 минг 371 нафар аъзоларни бирлаштирган касаба уюшмалари Кенгаши кишиларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган муайян ишларни амалга оширяпти. Ҳисобот даврида касаба уюшмалари ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланиб, сон жиҳатдан ўсди. Ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида тузилган жамоа келишувлари ва шартномаларда ходимлар учун имтиёз ва енгилликлар ўз ифодасини топган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ва касаба уюшмалари Кенгаши, вазирликлар, бошқарма ва бирлашмалар ўртасида 18 та тармоқ келишуви, корхона, ташкилот ва муассасаларда 1100 дан ортиқ жамоа шартномалари тузилган бўлиб, уларда белгиланган имтиёзлар бўйича ҳар бир ходимга ўрта ҳисобда 38500 сўм маблағ сарфланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатиб турибдики, жамоа шартномаларида белгиланган вазифаларнинг 87 фоизи бажарилган. Лекин хорижий сармоялар асосида ишлаётган 44 та қўшма корхонанинг фақат 4 тасида бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолият кўрсатаяпти, холос. Уларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ким ҳимоя қилади, деган ҳақли савол туғилади.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари - кам таъминланган оилалар, ногиронларни, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун 158 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ҳар бир хатда инсон тақдири мужассамлашган. Ҳисобот даврида меҳнаткашлардан 427 ариза ва шикоятлар тушди. Аризаларнинг 84,7 фоизи ҳал этилди. Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса оқибатида ногирон бўлиб қолган фуқаролар, боқувчисини йўқотган оилаларга товон пулларини тўланишини назорат қилиб бориш касаба уюшмаларининг асосий вазифаси. "Жанубгазқурилиш" акционерлик жамиятининг республикадаги филиали бахтсиз ҳодисадан зарар кўрган оилаларга 8,9 миллион сўм товон пули тўлади. Шунга қарамасдан, Тахиатош темирбетон материаллари ҳиссадорлик жамиятида ишлаган меҳнат ногирони Қувват Раимов 6 йилдан бери товон пулини ундира олмай, сарсон бўлиб юрибди.

(Давоми 2-бетда)

*Хуфёна иқтисодиётга қарши муросасиз курашайлик*

***Хоразм вилояти прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари ходимлари хуфёна иқтисодиётга қарши муросасиз кураш олиб бормоқда. Яширин цехлар фаолиятининг "сирли сандиқ"лари очилиши оқибатида кўплаб қонунбузилишлар, жиноий хатти-ҳаракатлар тугатилмоқда.***

# СОХТА МАЪЛУМОТ
## тақдим этиб чув тушганлар

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгашининг рухсатига кўра "Хива гилами" ҳиссадорлик жамияти ҳамда "Хива - Карпет" Ўзбекистон - Германия қўшма корхонасининг хўжалик молиявий фаолияти тафтиш қилинди. Бошқармада мавжуд бўлган тезкор маълумотларга асосан ушбу жамоалардан товар айрибошлаш қилган бир қатор хусусий фирма ҳамда масъулияти чекланган жамиятлар ўрганилиб, таҳлил қилиб кўрилди. Оқибатда кўплаб қонунбузилишлар, солиқ ва бошқа тўловларни яшириб қолиш ҳолатларига дуч келинди.

Хива тумани Паҳлавон Маҳмуд номли ширкат хўжалигининг 1-бўлимида жойлашган "Ота мебел" МЧЖ раҳбари Қўзибой Ёқубов устаси фаранг йигитлардан бири экан. Мазкур жамиятнинг иш фаолияти асосан савдо ва тижорат, воситачилик билан шуғулланишдан иборат. Лекин у белгиланган йўналишидан четга чиқиб, чакана ва улгуржи савдо билан ҳам шуғулланган. Аввало, жамият туман ҳокимлиги томонидан улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиши учун рухсат гувоҳномасини олмоғи зарур эди.

Устига-устак мазкур жамият раҳбари Қ. Ёқубов 2004 йилнинг 2-чораги давомида расмий ҳужжатлари бўла туриб, ҳеч қандай фаолият кўрсатилмади, дея Хива туман ДСИга "сохта маълумотнома" тақдим этган. Ваҳоланки, жамиятнинг ушбу даврдаги товар айланмаси 46 миллион 494 минг 500 сўмни ташкил этган. Шундай қилиб у товар айланмасидан йўл жамғармаси учун 464,9 минг сўм, пенсия жамғармасига 325,5 минг сўм тўлаши лозим эди. Бироқ тўловлардан қасддан бўйин товлаган. Қисқаси давлатимиз бюджетига 790,4 минг сўмлик миқдорда зиён етказди.

Туманда фаолият олиб бораётган "Рустам" хусусий фирмасининг раҳбари ҳам давлатни алдашда "Ота мебел" МЧЖдан қолишмас экан. У "Хива - Карпет" Ўзбекистон - Германия қўшма корхонаси билан мустаҳкам алоқа боғлади. Мол бериб, мол олди. 2003 йил якуни бўйича 18604,3 минг сўмлик товар айланмасини кўрсатиб, туман ДСИга ҳисоботлар тақдим қилди. Кўрсатилган суммага нисбатан бюджет тўловларини тўлаган.

Лекин текшириш жараёнида фирманинг ҳақиқий товар айланмаси 121 миллион 698,9 минг сўм экан. Яъни 103094,6 минг сўмлик товар айланмаси ҳисоботларда яшириб қолинган.

Худди шундай ҳолатни Хива шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Каримбой" хусусий фирмасида ҳам учратиш мумкин. У ҳам туман ДСИга ҳақиқий товар айланмасини яшириб, сохта маълумотномалар тақдим қилиб келган. Бу билан бюджетга тўланиши лозим бўлган 1949,3 минг сўмлик солиқ ва бошқа тўловларни осонгина ўмаришга муваффақ бўлган.

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан қонунбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаларига биноан жиноий иш қўзғатилди. Яширилган солиқ тўловлари бюджетга ундириладиган бўлди.

**Эргаш МАШАРИПОВ,**
**3-даражали юрист**

*Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари конференциясидан*

# ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИ

## ҳукуматимиз мададини чуқур ҳис этмоқда

(Боши 1-бетда)

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига кийим-кечаклар, дарслик ва ўқув қуролларини олиб бериш учун 13 миллион сўм маблағ сарфланди. Республика ҳукуматининг қарорига мувофиқ Оролбўйи шаҳар ва туманларида яшовчи 3 минг нафар хотин-қиз, 27 мингдан ортиқ болалар Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида жойлашган сиҳатгоҳларда ҳордиқ чиқариб, соғлиғини тиклади.

Ҳисобот даврида меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларидан 25 минг 847 киши, 44 минг 800 дан ортиқ бола соғломлаштирилди. Бу мақсадлар учун 1 миллиард 199 миллион 492 минг сўм маблағ сарфланди. Ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган 35 ўринли санаторий фойдаланишга топширилди.

Мавжуд 16 та оромгоҳда кўплаб ўғил-қизлар дам олдирилди. Бироқ бир вақтлар довруғи мамлакатга ёйилган "Юлдузча" болалар оромгоҳи эътиборсизлик туфайли қаровсиз ҳолга келиб қолди. Бу масала билан шуғулланиши лозим бўлган "Қорақалпоқтутинув" акциядорлик компанияси ва савдо, матлубот кооперацияси, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ходимлари касаба уюшмаси вакиллиги мавжуд аҳволни тузатиш чораларини кўрмаяпти.

Ўтган йиллар давомида касаба уюшма спорт мактаблари томонидан 129 та спорт устаси ва усталигига номзодлари, 224 разрядли спортчилар тайёрланди. "Алпомиш" ва "Барчиной" оммавий тест синовларини ўтказиш одат тусига кирган. Аммо айрим маҳалла ва овуллардаги спорт майдончалари ночор аҳволда, мутахассис мураббийлар ва спорт анжомлари етишмайди.

Ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлигини яхшилаш соҳасида "Уздунробита" қўшма корхонаси, "Қорақалпоқ электр тармоқлари", "Қорақалпоқбуён" ҳиссадорлик жамиятлари касаба уюшма ташкилотларининг фаолияти ибратли. Лекин "Катекс" ҳиссадорлик жамияти, "Турон" банки, автотранспорт ва қурилиш ходимлари касаба уюшмаси тизимида ташкилотчилик сезилмаяпти.

Айни пайтда 2366 та цех, 1331 та бошланғич ташкилотлар, 4718 та касаба уюшма гуруҳлари ишлаб турибди. Бироқ қуйи касаба уюшмалари ишини яхшилашда етарли тажриба тўпланмаган. Фаоллар ўқувлари юзаки ўтказилади.

Касаба уюшмалари нуфузи ўз аъзоларининг фаоллиги билан ўлчанади. Жойларда ташкилотчилик ишларининг сустлиги туфайли ҳисобот даврида аъзолар сони 76 минг нафарга камайиб кетди.

Кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишда жиддий нуқсонлар бор. Бундан тўрт йил муқаддам тизимда ишдан озод этилган 188 нафар касабақўм раислари ишлаган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони атиги 43 нафарни ташкил этади, холос. Қабул қилинган қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ижросида изчиллик етишмайди.

- Тадбиркорлик тараққиётига тўсиқ бўлаётган муаммолар кўп, - деди анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон кичик бизнес, матбулот кооперацияси ва савдо ходимлари, хусусий тадбиркорлик касаба уюшмалари кенгашининг республикадаги вакили Д. Дониёрова. - Ишбилармонларни хом ашё ва материаллар билан таъминлаш, уларга услубий ахборот, юридик ва консалтинг хизматлар кўрсатиш, кредитлар ажратиш талаб даражасида эмас. Хусусийлашган субъектларнинг аксариятида касаба уюшма ташкилотлари тузилмаганлиги кишиларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоялаш, бахтсиз ҳодисалар юз берганда товон пули тўлаш, пенсия ва нафақага жўнатиш жараёнида қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

- Қишлоқ хўжалик ходимлари давлатга дон, пахта ва бошқа маҳсулотлар сотиш шартнома режаларини ошириб адо этдилар. Мулк шаклининг ўзгариши, фермер хўжаликлари ташкил этилиши жараёнида касаба уюшмалари фаолиятини янгилаш зарурияти юзага келди.

- Ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш, уларда юксак инсоний фазилатларни шакллантириш, Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялашда спортнинг аҳамияти беқиёс. Нукусда болалар кураш саройи, Амударё, Кегайли туманларида замонавий мажмуалар барпо этилиши олис овулларда ҳам спортнинг оммавийлигини таъминлашда муҳим рол ўйнади. Бироқ спорт мактаблари моддий базасини мустаҳкамлаш, оғир ва енгил атлетика, бадиий гимнастикани ривожлантириш давр талабларидан орқада қолаяпти.

Хуллас, маърузачи ва музокарада сўзга чиққанлар касаба уюшмаларининг ташкилотчилик фаолияти, иш услуби ва аҳоли ижтимоий муҳофазасини яхшилашга қаратилган таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар.

Конференцияда ташкилий масала кўрилди. Соғиндиқ Ниетуллаев Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг раиси этиб сайланди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**"Ишонч" махсус мухбири**






"Уздунробита" хорижий корхонаси Сирдарё вилоят филиали мижозларга сифатли алоқа хизмати кўрсатмоқда. 2003 йилнинг апрел ойидан бошлаб корхона GSM стандарти бўйича хизмат кўрсатишга ўтди. Дастлаб ушбу алоқа тармоғида Гулистон шаҳри, 2004 йилинг декабридан эса Янгиер шаҳри ҳамда Оқолтин, Гулистон, Сайхунобод туманлари ҳам қўшилди. Мижозлар ҳам кескин кўпайди. Улар сони 8 минг нафардан ошиб кетди.

Ўтган йили тармоқда Интернет, GPRS, MMS (мултимедия) хизматлари қўшилди. Корхона мижозларга арзон ва сифатли алоқа хизмати кўрсатиш йўлидан бораяпти. 2004 йилнинг ноябр ойидан бошлаб DAMPS стандартидаги хизмат тўловлари нархи анча арзонлаштирилди.

Филиалнинг қўшни Тошкент вилояти Бекобод шаҳрида ҳам бўлими бор. Мазкур бўлим металлурглар шаҳрида ҳамда Бекобод тумани маркази Зафар қўрғонида яшовчи мижозларга рисоладагидек хизмат кўрсатмоқда.

**Суратларда: мижозлар корхона иш фаолиятидан ҳамиша мамнун; мижозларга сервис хизмати кўрсатиш бўлими бошлиғи Замира Худойбердиев.**

**Муҳаммад КАРИМ**
**олган суратлар**

*Ислоҳот мевалари*

***Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида алоҳида таъкидлаганларидек, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шубҳасиз бу соҳага молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар беришни тақозо этади. Бу ёрдамни банк тизими орқали, ишлаб чиқариш корхоналарига фоиз ставкалари унча юқори бўлмаган кредитлар ажратиш йўли билан амалга ошириш мумкин.***

# МИКРОКРЕДИТ

## тадбиркор аёллар фаоллигини оширмоқда

Қашқадарё вилоятида хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотини сотиши учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш бўйича ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Қарши шаҳрида яшовчи тадбиркор Ўлмасхон Аҳмаджонова бир неча марта микрокредит олиб, ўз бизнесини ривожлантириш имкониятига эга бўлди. Уч йилдан бери тижорат бозорида миллий газлама савдоси билан шуғулланаётган бу ишбилармон аёл оила бюджетини мустаҳкамлаб, эндиликда атлас ва адрас тўқиш кичик корхонасини очиш ташвиши билан юрибди.

Асосий мақсадимиз хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатиш, уюшма аъзоларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, юридик кўмак бериш, ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилишдан иборат. Бозор ҳолати ва эҳтиёжини ўрганиш, тадбиркорларга билдириш, ахборотлар тарқатиш, буюртмаларни жойлаштириш, билим ва малакасини ошириш режадаги муҳим ишлардан.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, давлат солиқ ва адлия бошқармаси тижорат банклари билан ҳамжиҳатликда бизнес клуб, очиқ мулоқот ва семинарлар ташкил қилинмоқда.

Чироқчи, Қарши, Ғузор туманлари ва Қарши шаҳрида микрокредит дастурини қўллаб-қувватлаш бўлимлари ишлаб турибди. Бошланғич сармоя ажратиш учун қатор қулайликлар мавжуд. Мисол. Қарз кўтаришдан мурожаат қилган мижоздан ҳеч қандай мулкни гаровга қўйиш талаб этилмайди. Микрокредит нақд пулда 30 минг сўмдан 500 минг сўмгача миқдорда берилади.

1998 йилда Чироқчи туманининг «Бешчашма» хўжалигида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг 30 нафарига микрокредит берилган эди. Бугунги кунга келиб улар 1700 нафардан ошиб кетди. Ишбилармонларнинг 65 фоизи савдо-сотиқ, қолганлари кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, чорвачилик ва паррандачилик соҳаларини ривожлантириш билан банд.

Қайси жойда ишбилармонлик ҳаракати қўллаб-қувватланса, ишлаб чиқарилаётган товарлар, кўрсатилаётган хизмат тури ва ҳажми кўпаяди. Бугунги кунга келиб мижозларга берилган микрокредитларнинг умумий миқдори 1 миллиард 850 миллион сўмдан ошиб кетди. 534 нафар аёл 250 минг сўмдан 500 минг сўмгача микрокредит олган. Улар касаначиликни йўлга қўйиб, ички бозорни сифатли маҳсулот билан боййитишаяпти.

2005 йил Бирлашган Милатлар Ташкилоти томонидан дунё миқёсида «Микрокредитлар йили» деб эълон қилинган. Шунинг учун ҳам «Тадбиркор аёл» уюшмаси хотин-қизларнинг ҳуқуқини муҳофазалаш, фаолиятини қўллаб-қувватлаш, қўшимча иш ўринлари яратиш бўйича аниқ режалар тузиб чиққан.

Олти йилдан буён амалга оширилаётган дастур ижобий самарасини бермоқда. Юзлаб қашқадарёлик аёллар ижтимоий меҳнат билан машғул бўлиб, ҳунармандчилик, тикувчилик, касаначилик билан шуғулланаяпти.

Вилоят марказининг «Хўжахиёл» маҳалласида яшовчи Матлуба Ўриновани ҳамшаҳарлари тажрибали тикувчи сифатида билишади. Уюшмадан кредит олиб хонадонида тикув цехи очди. Ўндан ортиқ қизга севимли касби сирларини ўргатиб, доимий иш билан таъминлади. Шаҳарнинг «Мағзон» маҳалласида истиқомат қилувчи Севара Ғаффорова ўз оила аъзолари билан нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

Вилоятда бундай тадбиркорлар кўп. Чунки жойлардаги уюшмалар ишбилармон хотин-қизлар фаолиятини йўлга қўйишда мададкор бўлишаяпти. Яккабоғдаги «Тадбиркор аёл» уюшмаси «Евразия» фондининг грант соҳиби бўлган бўлса, Деҳқонобод, Нишон, Ғузор туманларидаги тизилмалар «Қишлоқ хўжаликларини ривожлантириш» лойиҳаси, Қамаши, Чироқчи туманларидаги ташкилотлар «Иш ўринларини яратиш» дастури бўйича фаолият олиб бормоқда. Фаоллардан Г. Шукурова, Г. Қиличова, С. Қосимова, Р. Абдураҳмоновалар аҳоли ўртасида «Тадбиркорлик асослари» ва «Ўз бизнесингни бошла ва ривожлантир» мавзусида ўқув машғулотларини, очиқ мулоқотларни уюштирмоқдалар.

Яккабоғдаги «Аср аёли», Деҳқонободдаги «Бегойим» гилам тўқиш, Шаҳрисабз туманидаги «Кеш бегойим» қандолат маҳсулотлари тайёрлаш ва тикувчилик, Ғузордаги кулолчиликка ихтисослашган «Авесто», Бешкентдаги «Тикувчи», Нишондаги «Истиқлол» ўқув марказларида мингга яқин маҳаллий хотин-қизлар ҳар хил касб-ҳунарларни ўрганишди.

Тадбиркор хотин-қизларнинг хорижий мамлакатларга бориб, тажриба ўрганишлари учун шароит яратилган. Микрокредит дастури бошқарувчиси С. Жўраев Малайзия, «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси О. Очилова Франция, Шаҳрисабз, Муборак, Яккабоғ туман уюшмалари раислари Г. Одилова, Г. Сариева, Ж. Туймаева, Микрокредит дастури ходимлари Д. Абдураҳмонова, Г. Зиёдова кабилар Америка Қўшма Штатларида бўлиб, малака оширишди.

**О.ОЧИЛОВА,**
**Қашқадарё вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси**

Мамлакатимизнинг гўзал ҳудудларидан бирида жойлашган Яккабоғ тумани ўтган йилни ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида қатор ютуқлар билан якунлади. Эришилган муваффақиятларнинг асосий омили аграр соҳада ўтказилаётган ислоҳотларга, бозор иқтисодиёти муносабатларига мос ҳолда ёндашилганлигида бўлди. Бошқача айтганда боқимандалик, ўзибўларчилик ва бошқа салбий иллатлардан халос бўлинаётганлиги бунда катта аҳамият касб этди.

Буни туманнинг «Соҳибқирон» ва Амир Темур номли ширкат хўжаликларида пудрат усулида олиб борилаётган ишлар мисолида ҳам кўрсак бўлади. Чунки ушбу икки хўжалик мулкчиликнинг оила пудрати асосида фаолият юритмоқда.

## ПУДРАТ – ҚУДРАТ

Жами экин майдонлари аҳолига оилавий пудрат шартномаси асосида бўлиб берилган. Деҳқонларга техника, ўғит қуйинки, неки керак бўлса, ўз вақтида муҳайё этилмоқда. Шунинг учун бўлса керак оилавий пудратчиларнинг кайфиятлари баланд, ишларида унум бор.

Амир Темур номли ширкат хўжалигидаги Абдураҳмон Муҳаммадиев 10 гектар ғалла майдонидан 48 центнер, Исомиддин Турсунов 10 гектар ғалла майдонидан 45 центнердан ошириб ҳосил йиғиб олганлигининг ҳам боиси шу.

Пахтачиликда ҳам ишлар чакки эмас: Қурбонали Жуманов Мурод Муҳаммадиев, Санжар Абдиевлар каби етакчи пудрат аъзолари 35 - 40 центнердан пахта хирмони кўтаришди.

Ўртада ўзаро яхши маънодаги рақобат бор. Масалан, соҳибқиронликлар қўшниларидан қолишмасликка ҳаракат қилишади. Пудратчилар Эшмўмин Холмиров, Илҳом Ҳолиқов, Абдураҳмон Эшматов, Фозил Нуралиевлар ўзларига берилган режани ортиғи билан уддалаганликлари натижасида гилам, телевизор каби қимматбаҳо мукофотларга эга бўлдилар.

Ҳа, ҳар бир пахтакор, ғаллакор, боғбон ва чорвадор биласиз, йил - ўн икки ой давомида дала-ю боғда ишлайди. Ўз меҳнатидан манфаат кўриш, яъни бири икки бўлишдек эзгу ниятни дилига жо этиб яшайди. Тўғри, пудрат усулида иш юритишнинг ўзига яраша мураккабликлари бор. Бироқ, меҳнат қилган одам тўқ, оиласи хотиржам.

Бу ҳақида «Соҳибқирон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Шуҳрат Қодировнинг ўзи гап очиб қолди.

- Ҳар бир деҳқонга манфаатдорлик билан меҳнат қилиш, етиштирган маҳсулотини мустақил тасарруф этиш, ўз оиласининг маъмурчилигини таъминлаш имкониятини берувчи хўжалик юритишнинг механизмини яратиш жараёнида илм-фан ютуқларига таяниб иш олиб боришда гап кўп экан, - дейди у. Биз ўз фаолиятимиз мисолида бунга гувоҳ бўлиб турибмиз. Пудратчиларнинг ғалладан омбори донга, пахтадан чўнтаги пулга тўлди.

Соҳада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асоси, пировард мақсади - бу хўжалик тараққиётини таъминлаш эканлигини ҳар бир пудратчи тушуниб етиб, буни ҳатто иқтисодий таҳлил қила олиш кўникмасига ҳам эга бўлишди.

**М.ҚИЁМОВ**

*Ибрат*

***Саксон саккиз баҳорни қаршилаётган Жуман отанинг болалиги Паркентнинг улувғор тоғлари-ю, жаннатмакон боғлари бағрида кечди.***

## БИЗДАН ҚОЛАДИГАНИ – ЯХШИЛИК!

Турли ўт-ўланлар таратган хушбўй исларга тўла ҳаводан, зилол сувлардан баҳраманд бўлиб улғайган киши бир умр бу гўзалликнинг асирига айланади. Жуман отага киндик қони тўкилган она юртнинг бетакрор табиат гўзалликлари, одамларнинг меҳри кейинчалик ҳам ҳаёт синовларини енгиб ўтишда мадад берди.

Жуман Холматов фронтдан оиласи даврасига қайтгач, халқ хўжалигини тиклаш ишларига ғайрат ва шижоат билан киришди. Ҳамза туманини ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларида қирқ йилдан зиёд меҳнат қилди. Кўча, мактаб, маҳалла ҳудудларига манзарали ва мевали дарахтлар экишда бош-қош бўлди. Меҳнатлари бесамар кетмади. Эл оғзига тушди. Ҳурмат-эътибор топди. У киши ҳозирда ҳам туман «Нуроний» жамғармасининг фаол аъзоси сифатида ёшларни тарбиялашда кўп ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Аҳмаджон Назаров номли маҳалласи уруш ва меҳнат фахрийларининг саъйи-ҳаракати туфайли 2003 йилда Ўзбекистон маҳаллари танловида биринчи ўринни эгаллади. Ҳозир маҳаллада ёзги ва қишки спорт мажмуаси ишлаб турибди. Шу боис ёшларни шу ердан топасиз.

Бугунги кунда Жуман ота пойтахтимизнинг Ҳамза тумани Аҳмаджон Назаров маҳалласида ёшларга бош бўлиб, уларга тўғри йўли кўрсатаётган оқсоқоллардан бири. Салкам тўқсонга яқинлашган Жуман ота фарзандлари, набиралари хонадонининг файзи. Бу табаррук инсон ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтган, ҳамиша эл-юрт эътиборидаги отахонлардан саналади.

**Ҳусан СУЛАЙМОНОВ**

## КОНЧИЛАР БОҒИ

Навоий кон-металлургия комбинатининг Кармана туманидаги «Дўстлик» агрофирмаси деҳқонлари кўкламги дала юмушларини бошлаб юборди. Миришкорлар чўл бағридаги 22 гектар ерни ўзлаштириб, боғ барпо этди.

Тошкент-Навоий-Бухоро йўли чеккасидаги ушбу боғда ўн минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ҳамда анвойи гуллар ўтқазилди. Шундай қилиб, агрофирма боғлари 142 гектарга, узумзорлари эса 82 гектарга етди.

**(ЎзА)**

*Бугуннинг одамлари*

***Ўтган мавсумда Янгиариқ туман миришкорлари вилоятда биринчилар қаторида барча соҳаларда режаларни уддалаб, ҳар қачонгидан кўп даромад олишга эришдилар. Айни пайтда ишлаб топилган маблағ ҳисобидан қишлоқ врачлик пунктлари, маданий-маиший муассасалар қуриш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида ҳаракатлар олиб борилмоқда.***

# БАХТ КАЛИТИ МЕҲНАТДА

Туманнинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини юксалтиришда ҳамда аҳолини иш билан таъминлаб, моддий қўллаб-қувватлашда «Остона» ширкат хўжалигининг айниқса ҳиссаси катта бўлаётир. Очиғини айтиш керак, бир пайтлар бу ерда ҳам ишбилармонликка имкон берилмагани ва ислоҳот қўяётган талабларга амал қилинмагани боис, аҳвол анча оғирлашганди.

Жамоа ширкат мақомини олгач, ишлар тақсимоти ва йўналиши тубдан ўзгарди. Экин майдонларининг асосий қисми оила пудратчиларига бўлиб берилди. Маъмурият ва касаба уюшма ўртасида тузилган жамоа шартномаси бўйича деҳқонга шарт-шароитлар яратилди. Ҳар қандай меҳнат ўз вақтида рағбат топишига эришилди.

Халқимизда «Йил режаси баҳорда, кунники эса наҳорда» деган нақл бор. Миришкорлар бунга амал қилиб, даставвал экин майдонларини оби-тобига келтиришди. Сўнг, мутахассислар таклифи билан ширкат юз фоиз уруғчиликка асосланди. Баҳорнинг инжиқликлари ва саратоннинг иссиғи деҳқонни чўчитмади. Заминнинг саховати кенг. Кузакда баракали меҳнат самара берди.

Пахта ва ғалладан давлатга сотиш режалари ортиғи билан уддаланиб, сарф-харажатдан ташқари илк бор мўмайгина даромад кўрилди. Сарҳисобда ҳар бир ишчи иш ҳақига қўшимча бир сўмига икки сўмдан мукофот олди. Асосийси даромад ҳисобидан ижтимоий масалаларни ривожлантиришга эътибор қаратилди. Тасарруфдаги 6 та маҳалланинг барчаси ичимлик суви, табиий газ билан таъминланиб, кўчалар қайта таъмирланди.

Ҳар бир маҳаллада 2 тадан новвойхона, тикиш-бичиш цехи, аҳолига техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, замонавий гузар, стадион кабилар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Маълумки, кейинги йилларда маблағ етишмаслиги баҳонасида кўпгина хўжаликлардаги мавжуд кутубхона, клуб ва маданий боғлар қаровсиз ҳолга келиб қолганди. Ширкатдаги ана шу иншоотларнинг айримлари ихчамлаштирилди. Клуб қайта таъмирланиб, унинг бир қисми тикиш-бичиш цехига айлантирилди. Ҳозирда 50 нафардан ортиқ хотин-қиз мактаб ўқувчиларига мўлжалланган ҳар хил кийим-кечаклар тикишмоқда.

Тасарруфдаги айрим қишлоқлар хўжалик марказидан анча олисда жойлашган. Шунинг учун илгарилари бозор-ўчар қилиш, касалхонага қатнаш учун одамлар соатлаб вақтини беҳуда йўқотарди. Бу масала маъмурият томонидан чуқур ўрганилиб, ечимини топди. «Қоракўз» маҳалласида даромад ҳисобидан 18 миллион сўмга замонавий типдаги қишлоқ врачлик пункти қуриб берилди ва етук мутахассислар, врачлар жалб этилди. Яна бир маҳалла тасарруфида ихчамгина бозор қурилган бўлса, бошқасида эса савдо шохобчалари бунёд этилди. Хўжалик туман марказидан бироз олисда жойлашган. Бу ўз-ўзидан аввало қишлоқ хўжалигида мутахассислар етишмаслиги ва кадрлар қўнимсизлиги масаласини келтириб чиқаради. Тегишли мутасадди ташкилотлар билан масала чуқур таҳлил этилди. Натижада замонавий типдаги «Остона» касб-ҳунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда ўқув масканида нафақат хўжалик ёшлари, балки вилоятнинг бошқа туманларидан ҳам йигит-қизлар танлаган ихтисосликлари бўйича билим олишмоқда.

Жамоада меҳнат фахрийлари, кам даромадли оилалар ва ногиронлар доимий ижтимоий ҳимояга олинган. Ҳисобот даврида ушбу мақсадларга озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари қўшимча 3 миллион сўм сарфланди. Касаба уюшмаси бу ишларни рўёбга чиқаришда ҳамиша бош-қош. Унинг ҳаракатлари туфайли хўжаликда ижтимоий масалалар билан боғлиқ жуда кўп муаммолар ечимини топаяпти. Чунончи, жамоа шартномаси бандларидан келиб чиқиб ўтган мавсумда ишчилардан 12 нафари ва меҳнат фахрийлари ҳамда боқувчисини йўқотганлардан 9 нафари республикамиздаги турли санаторийларда дам олдирилиб, саломатлиги тикланди. Ойлик маошдан узилишлар бўлмади. Кўп болали ва кам даромадли кишилар касаба уюшмаси томонидан рағбатлантириб борилди. Оила пудрати ва бригадалар ўртасида ўзаро мусобақалар ташкил этилди. Ғолиб звено, бригада ҳар ойнинг охирида эълон қилиниб, улар ширкат ҳисобидан Хива, Бухоро, Самарқанд каби қадимий шаҳарларга зиёратга олиб борилди. Энг илғор номинацияси бўйича ўтказилган тадбирларнинг пешқадамлари эса қимматбаҳо совғалар, пул мукофоти, рангли телевизор билан рағбатлантирилди.

Жамоа шартномасига оғишмай амал қилинганлиги нафақат одамлар кайфиятини кўтарди, балки ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишда ва сифатли маҳсулот етиштиришга ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Масалан, якунланган йил ғаллачилик соҳасида бурноғидагига қараганда 4 центнерга ортиб, сарф-харажат гектар ҳисобига 102 сўмга камайди. Пахтачиликда эса бу кўрсаткич янада қувончли. Ширкат бўйича агросаноат мажмуи соҳаларидан 600 миллион сўм даромадга эришилди ва рентабеллик даражаси 29 фоизга ортди.

Ширкат касаба уюшма раиси Нуриддин Султоновнинг таъкидлашича, ҳар йили мавсум якунида жамоа шартномаси қабул қилиниб, унга кўра режалар белгиланади ва ишлаб топилган маблағнинг 15 фоиздан ортиғи ижтимоий масалаларни ривожлантиришга йўналтирилади. Бу маблағни расамад қилиш махсус комиссия назоратида туради. Мисол. Улар тавсияси билан кейинги даврда тасарруфда 215 киши доимий ишлаш учун кичик корхоналар, маиший ва бичиш-тикиш цехлари қурилди. Ёки боқувчисини йўқотган хонадон яшаш шароити ўрганилиб, 3 нафар вояга етмаган фарзандлари оталиққа олинди, уларга 4 хонали янги уй қуриб берилди. Сиҳат-саломатлик йилида ҳам бу анъаналарни янада жадаллаштириш режалаштирилган.

Айни пайтда хўжалик далаларида баҳорги юмушлар оби-тобида амалга ошириляпти. Машина-трактор паркида эса механизаторларнинг саъй-ҳаракатлари билан экиш техникалари тайёр ҳолга келтирилган.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ

## унга панжа орасидан қараш қимматга тушмоқда

*«Ишонч» фош этади*

Пахтаобод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ишчиси Қобил Тангиров шу йилнинг 2 январида техника хавфсизлиги йўриқномасидан ўтказилади. Лекин орадан етти кун ўтгач, кўнгилсизликка тўқнаш келади. Воқеа шундай бўлганди. 9 январ куни тахминан соат 11 ларда қуритиш-тозалаш цехида муаммо чиқади. Барча механизмлар тўхтатилиб, тозаловчи Қ.Тангиров ҳамкасби А.Алламуродов билан ишга киришади. Улар сепараторни тозалаб, тасмаларни алиштиришади. Вакуум клапанларига тушган пахталарни олишади. Қобил Тангиров тепада тозалаш ишларини давом эттираётган бир пайтда А. Алламуродов шу атрофда бинони тозалаётган фаррош Ҳурсаной Қаршиевадан сепаратор мурватини босиб, ишга тушириб юборишини сўрайди. Бундан мутлақо бехабар Қобилнинг ўнг қўлини вакуум клапани қисиб қолади. Исканжада қолган қўлни чиқариб олиш ҳаракатида бўлган уринишларда чап қўл ҳам агрегат жағига тушади. Оқибатда иккала қўл суяклари синиб, оғир тан жароҳати олган ишчи шифохонага ётқизилади.

Энг ачинарлиси, корхонада техника хавфсизлик қоидаларига панжа орасидан қараш одатий тус олган. Айнан шу соҳа мутасаддиси бўлган меҳнат муҳофазаси муҳандиси Шавкат Маматқуловга ҳали ҳануз иш кабинети ажратиб берилмаган. Ходимларга мутлақо шароит йўқ. Бу ерда на дам олиш, на ювиниш, на ечиниш хоналари бор. Устига-устак ҳаёт учун хавфли ҳисобланган электр қувватига масъул шахс Пардабой Ҳусановнинг бу борадаги билимлари бирор маротаба синовдан ўтказилмаган.

Сайхунобод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятидаги аҳволдан ҳам кўнгил тўлмайди. Хўжасизлик шу даражага етганки, ишчилар қандай кийимда иш бажараётганини ҳеч кимни қизиқтирмайди. Уларни махсус ишчи коржомалари билан таъминлаш аллақачон унутилган. Натижада корхонада бир киши ҳаётига нуқта қўйилишга бир баҳя қолди. Шу йилнинг 2 январида ишчи Вали Бегимқулов тунги сменага ишга келади. Тунги соат 3.40 ларда у 2-жин агрегати фаолиятини кўздан кечиради. Унинг атрофида куймаланаётган чоғда қоқилиб кетади. Беўхшов устки кийимнинг этаги ярим муфтали бирикма штоприга қотирилган болтга илиниб қолади. Шаҳд билан айланаётган вал Валининг уст-бошини ўраб кетади. Қаттиқ тан жароҳати олган ишчи касалхонага тушади.

Ҳар икки ҳолатда ҳам кўнгилсизликни олдини олиш мумкин эди. Лекин мутасаддилардаги лоқайдлик, ишчилар бепарволиги ушбу кўнгилсизликларга сабаб бўлди. Техника хавфсизлигининг оддий қоидаларига риоя этмаслик ҳар икки жамоага ҳам қимматга тушди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# «Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

## Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш

# ҚОИДАЛАРИ

**II. Соғлигига шикаст етказилганлиги билан боғлиқ ҳолда зарарнинг жабрланувчига тўланадиган миқдори**

11. Ходимга жароҳат ёки соғлиғига бошқа шикаст етказилганда жабрланувчининг олган ёхуд олиши мумкин бўлган йўқотган иш ҳақи (даромади) тўланади.

Зарар ҳар ойда жабрланувчининг касбий меҳнат фаолиятини йўқотиш даражасига тегишли равишда меҳнат жароҳати олгунга қадар унинг ўртача ойлик иш ҳақига фоизларда, соғлигига шикаст етказилиши сабабли қилинган қўшимча харажатлар компенсацияларда, шунингдек белгиланган ҳолларда бир марталик нафақалар тўлашда қопланади.

Иш ҳақи ёки унинг бир қисми тўланаётганда, жароҳат олиши туфайли тайинланган ногиронлик пенсиялари, шунингдек меҳнат жароҳати олгунга қадар ва ундан кейин тайинланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа шунга ўхшаш тўловларнинг бошқа турлари етказилган зарарни тўлашда ҳисобга олинмайди. Шунингдек, жабрланувчининг жароҳат олгандан кейинги иш ҳақи ҳам зарарни тўлашда ҳисобга олинмайди. Бунда жабрланувчиларга - меҳнат жароҳати бўйича ногиронларга зарарни тўлаш миқдори белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

12. Жабрланувчининг йўқотган иш ҳақи таркибига: ҳам асосий, ҳам даромад солиғи ундириладиган ўриндошлик иш жойи бўйича меҳнат ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича барча меҳнат ҳақи турлари; тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромади (солиқ инспекцияси маълумотлари асосида); муаллифлик ҳақи; вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги ҳамда ҳомиладорлик ва туғруқ таътиллари даври учун тўланган нафақалар киритилади.

Барча иш ҳақи турлари солиқлар ушлаб қолингунга қадар ҳисобланган суммаларда ҳисобга олинади.

Ўқиш даврида тўланадиган стипендия (зарарни қоплаш тўғрисида мурожаат қилувчининг хоҳишига кўра) иш ҳақига тенглаштирилади.

13. Жабрланувчининг йўқотган иш ҳақи таркибига қуйидагилар киритилади: юридик шахсларнинг устав фондларидаги қўйилмалари ёки пайлари бўйича улар томонидан олинадиган дивидендлар ва фоизлар, шунингдек қимматли қоғозлар бўйича даромадлари; бир марталик тусдаги тўловлар (фойдаланилмаган таътил учун пул компенсациялари, меҳнат шартномаси тўхтатилганда бериладиган ёрдам нафақалари).

14. Ўртача ойлик иш ҳақи меҳнат жароҳати олиш ёки меҳнат жароҳати туфайли меҳнатга лаёқатсизликдан ёхуд меҳнатга лаёқат даражаси пасайишидан (фуқаронинг танлови бўйича) олдинги охирги ўн икки ой мобайнидаги иш (хизмат, муддатли ҳарбий хизматдан ташқари) бўйича аниқланади. Касб касаллигига чалинган тақдирда ўртача ойлик иш ҳақи ҳам бундай касалликка сабаб бўлган ишни тўхтатишдан олдинги охирги ўн икки ой бўйича белгиланиши мумкин.

Ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоблаб чиқариладиган ойлар сонидан (фуқаронинг хоҳишига кўра) иш ойининг биринчи кунидан бошланмаганлиги ёки тўхтатилмаганлиги муносабати билан тўлиқсиз иш ойлари ҳамда уч ёшгача бўлган болани парвариш қилиш муносабати билан бериладиган таътил ойлари (шу жумладан, тўлиқ бўлмаган ойлар), шунингдек ходим ногирон ҳисобланган ёки меҳнат жароҳати туфайли етказилган зарар тўловини олиб келган, I гуруҳ ногирони, 16 ёшгача бўлган ногирон болани ёки даволаш муассасасининг ўзганинг парваришига муҳтожлик ҳақидаги хулосасига кўра қарияларни парвариш қилиш мобайнидаги иш вақти чиқариб ташланади. Бунда чиқариб ташланган ойлар бевосита бошқа олдинги ойлар билан алмаштирилади ёки уларни алмаштириш имкони бўлмаганда ҳисоблашдан чиқариб ташланади. Бундай алмаштириш, жароҳатланишдан ёки касб касаллигига чалинишдан олдинги иш жойидан қатъи назар, охирги икки йил доирасида амалга оширилади.

15. Ўн икки ойдаги иш учун ўртача ойлик иш ҳақи мазкур Қоидаларнинг 14-бандида кўрсатилган иш ҳақининг умумий суммасини ўн иккига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади. Жабрланувчи зарар етказилган вақтда ўн икки ойдан кам ишлаган тақдирда, ўртача ойлик иш ҳақи ҳақиқатда ишлаган умумий иш ҳақини ишлаган ойлар сонига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Иш даври тўлиқ ойдан кам вақтни ташкил қилган тақдирда, зарарни тўлаш миқдори шартли ойлик иш ҳақи (даромад) миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. У қуйидаги тартибда аниқланади: бутун ишланган вақт давомида олинган иш ҳақи (даромад) кунлар сонига бўлинади, ҳосил бўлган сумма бир йил учун ўрта ҳисобда ҳисоблаб чиқилган бир ойдаги иш кунлари сонига кўпайтирилади.

Ҳақиқий иш ҳақи миқдори тўғрисидаги ҳужжатларни олиш имконияти бўлмаган тақдирда зарарни тўлаш миқдори зарарни тўлаш тўғрисида мурожаат қилинган вақтда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Жабрланувчининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан кўп бўлмаган ҳолларда ҳам етказилган зарарни тўлаш миқдори худди шу тартибда ҳисоблаб чиқилади.

16. Балоғатга етмаганлар меҳнат жароҳати олган тақдирда, зарар унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг беш баравaридан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

17. Агар бир иш берувчида ишланган даврда меҳнат жароҳати такроран олинган тақдирда ўртача ойлик иш ҳақи жабрланувчининг хоҳишига кўра биринчи ёки такрорий меҳнат жароҳати олингандан илгариги тегишли даврлар бўйича ҳисоблаб чиқилади. Зарарни тўлаш миқдори касбга доир меҳнатга лаёқатсизликнинг умумий фоизига қараб ҳисоблаб чиқилади.



Агар меҳнат жароҳатлари турли иш берувчиларда ишлаганда олинган бўлса, у ҳолда зарарнинг тўлов миқдорини аниқлаш ҳар бир иш берувчи томонидан, тегишли меҳнат жароҳати бўйича касбга доир меҳнатга лаёқатсизлик фоизига қараб алоҳида амалга оширилади.

18. Чет элларда ишлаган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи (даромади) чет элда ишлаганлик учун тўловларни чиқариб ташлаган ва мазкур Қоидаларнинг 8-бандини ҳисобга олган ҳолда умумий асосларда ҳисоблаб чиқилади.

19. Ишлаб чиқариш таълимини (амалий машғулотни) ўташ даврида меҳнат жароҳати олган фуқароларнинг ўртача ойлик иш ҳақи (даромади) жабрланувчининг қайси касб (мутахассислик) бўйича ўқиганлигига қараб, шу касб (мутахассислик) ставкаси (маош)дан келиб чиққан ҳолда (аммо 2 разряддан паст эмас) ҳисоблаб чиқилади. Ўқиш (амалий машғулот) давомида иш ҳақи (даромад) олган шахсларга, уларнинг хоҳишига кўра, ўртача ойлик иш ҳақи (даромади) шу давр учун ҳисоблаб чиқилади. Жабрланувчиларнинг хоҳишига кўра, ўртача ойлик иш ҳақи (даромади) ўқиш даврида тўланган стипендия бўйича ҳам ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

20. Меҳнат жароҳати туфайли ўзининг розилиги билан вақтинча енгилроқ, кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган жабрланувчига иш ҳақи меҳнатга лаёқати тиклангунга қадар меҳнат жароҳати олгандан аввалги ойлик иш ҳақи (даромади)дан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

Бошқа ишга ўтказиш зарурлиги, унинг давом этиш муддати ва тавсия этиладиган иш тури ТМЭК хулосасига мувофиқ белгиланади.

21. Агар жабрланувчи меҳнат жароҳати туфайли аввалги ишини бажара олмаган тақдирда иш берувчи жабрланувчини унинг хоҳишига кўра ТМЭК хулосасига мувофиқ, ўз ҳисобидан янги касбга ўқитиши шарт.

Янги касбга ўқитиш даврида жабрланувчига меҳнат жароҳати олгунга қадар олган ўртача ойлик иш ҳақи (даромади) тўланади. Мазкур даврда зарарни қоплаш суммасини тўлаш умумий асосларда амалга оширилади.

**(Давоми бор.)**

Боши 36-сонда

# ҚИСҚАРТИРИЛГАН ИШ ВАҚТИ

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

***САВОЛ: Қонунчиликда қисқартирилган иш вақти қайси ходимларга қўлланилиши назарда тутилган?***

**Р.ОРТИҚБОЕВ,**
**Тошкент шаҳри**

**ЖАВОБ**: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 115-моддасига асосан ҳар бир ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соат қилиб белгиланган.

Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ошиқ бўлмаслиги керак.

Айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиғи ҳолати, меҳнат шартлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга ҳолатларни инобатга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, меҳнат шартномаси ва жамоа шартномаси шартларига биноан меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати қуйидагиларга қонун билан белгиланган:

– ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан;

- ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлганлар учун ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган;

– I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган;

– меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлган ходимлар учун ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган иш вақти белгиланиши шарт.

1999 йил 14 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасаларда ишлаётган аёлларга иш ҳақи тўлиқ миқдорда сақланган ҳолда ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган иш вақти белгиланади. Бу қонун молиявий жиҳатдан бюджет ҳисобидан таъминланадиган барча муассасаларга тегишлидир, шу жумладан, тиббиёт муассасаларига ҳам.

Меҳнат Кодексининг 118-моддасида юқори даражадаги ҳис-ҳаяжон, ақлий зўриқиш, асаб танглиги билан боғлиқ, яъни алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги айрим ходимлар учун (тиббиёт ходимлари, педагоглар ва бошқалар) иш вақтининг муддати ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қилиб белгиланган. Лекин тиббиёт ходимларига ҳафтасига ўттиз олти соатлик иш вақти ўрнатишда кўп мунозараларга дуч келинди. Шу сабабли Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бу саволга аниқлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат қилди. Конституциявий суд бу масалани кўриб чиқиб, 1998 йилнинг 12 мартида тиббиёт ходимлари учун иш вақти ҳафтасига 36 соатдан ошмаслиги тўғрисида қарор қабул қилди.

Барча тиббиёт ходимларига тўлиқ иш ҳақи сақланган ҳолда ҳафтасига 36 соатлик иш вақти белгиланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1998 йил 24 мартидаги 131-сон буйруғи чиқарилган.

Жойлардаги текширишлар шуни кўрсатадики, муассасаларда қонунларда белгиланган қисқартирилган иш вақти ходимларга ўрнатилмаган.

Шунинг учун юқорида кўрсатиб ўтилган ходимларга буйруқ билан қисқартирилган иш вақти ўрнатилиши ва бу буйруқ билан ана ўша ходимнинг ўзи, бўлим бошлиқлари, иш вақти табелини олиб борувчи ходим, ҳисобчи албатта имзо чектириб таништирилган бўлиши керак.

## Саволингизга таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

***САВОЛ: мен II гуруҳ ногирониман. 0,5 ставка билан ишлайман. Лекин бошқа касбдошларим тўлиқ, ҳатто ундан кўпроқ ставка билан ишлайдилар. Мактаб раҳбарлари эса менинг иш ставкамни нафақам билан қўшиб тўлиқ деб ҳисоблайдилар. Шу тўғрими?***

**Н.ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Шаҳрисабз тумани**

**ЖАВОБ**: Меҳнат Кодексининг 220-моддасига биноан ногиронлар меҳнатини муҳофаза қилишнинг қўшимча чоралари кўрсатилган бўлиб, унга кўра иш берувчи белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан иш жойларига ишга жойлаштириш тартибида маҳаллий меҳнат органи томонидан йўлланган ногиронларни ишга қабул қилиш шарт. ТМЭКнинг ногиронларга тўлиқсиз иш вақти тартиби ўрнатиш, уларнинг вазифасини камайтириш ва меҳнатнинг бошқа шартлари ҳақидаги тавсияларини бажариш иш берувчи учун мажбурийдир. I ва II гуруҳ ногиронларининг меҳнатига ҳақ тўлаш камайтирилмаган тақдирда иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади. I ва II гуруҳ ногиронларига ўттиз календар кундан кам бўлмаган муддат билан йиллик узайтирилган асосий таътил берилади.

Ногиронларни тунги вақтдаги ишларга, шунингдек, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга фақаттина уларнинг розилиги билан йўл қўйилади. Башарти улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланмаган бўлса.

### *“Учинчи минг йиллик боласи дастури” амалда*

# ЭРТАКЛАРДАГИ КАБИ ГЎЗАЛ

***Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Хоразм вилоят кенгашининг Урганч шаҳри бўйича вакиллиги томонидан мактабгача таълим муассасаларида тарбиячилар касбий маҳоратларини ошириш мақсадида турли кўрик-танловлар ўтказиш анъана тусини олмоқда.***

Хусусан, 4-сон болалар боғчасида уюштирилган “Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш” тадбирида шаҳардаги 10 дан зиёд мактабгача таълим муассасаси ходимлари қатнашди. Шу тадбир доирасида ташкил этилган спорт мусобақаларида 6, 10, 11, 12, 14, 17, 22-болалар боғчалари тарбияланувчилари пухта тайёргарлик кўрганликларини исботлаб, яхши натижаларга эришишди. Тадбирда ғолиб чиққан муассасалар касаба уюшмаси томонидан 350 минг сўмлик спорт анжомлари билан тақдирландилар. Шунингдек, болалар боғчаларига моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Урганч шаҳридаги 10-сонли боғчада 140 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Бу ердаги 2 та ясли, 4 та катта гуруҳлардаги болажонларга тарбия бераётган услубчи ва тарбиячилар “Учинчи минг йиллик боласи дастури”дан келиб чиққан ҳолда ёндашмоқдалар. Айниқса, “Конструктор” ҳамда қоғозлардан ясалган “Ўзинг яса” туркумидаги ўйинчоқлар ҳамда кўргазмалар қўл келмоқда. Болажонлар ақлий қобилиятларини ўстириш мақсадида уларга эртаклар айтиб бериш, табиатга ошно этиш каби услубий қўлланмалардан фойдаланилмоқда.

Хонқа туманидаги 6-сонли мактабгача таълим муассасасида тарбияланаётган жажжилар “Дўмбоқчалар куйлайди”, “Инглиз тили сабоқлари” дастурларидан баҳраманд бўлаётгани ота-оналарни ғоят хушнуд этмоқда. Улар бунинг учун тарбиячи Дилфуза Одиловадан миннатдор. 6 ва 7-сонли боғчаларда тарбияланувчиларига витаминларга бой бўлган маҳсулотлар ҳамда турли хил гиёҳлардан тайёрланган шарбатлар бериш йўлга қўйилган. Бу маҳсулотларни етказиб беришда узилишлар бўлмаслиги учун туман “Давлат таъминоти” корхонаси мутасаддилари ички имкониятларни қидириб топишмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасидаги барча мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган келажак авлод вакиллари учун ҳам барча шароитлар муҳайё. Айниқса, Нукус шаҳридаги барча болалар боғчалари фаолияти мақтовга лойиқ. Бунинг учун шаҳар халқ таълими бўлими ҳамда касаба уюшма вакиллиги имкон даражасидаги барча ишларни қилмоқда. 53 нафар тарбиячиларга 250 минг сўмга яқин моддий ёрдам, 5 нафар энагалар учун республикамизда жойлашган санаторий ва профилакторий, дам олиш уйларига йўлланмалар ажратилди. Шунингдек, байрамлар ҳамда тадбирларда улар учун 260 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам берилди.

Тўрткўл туманидаги 16-сонли боғчада жажжилар учун яратилаётган шарт-шароит хусусида ҳам фақат илиқ фикрларни айтиш мумкин.

- Бу муассасада тарбияланаётган болакайларимиз республикамизда ўтказилаётган турли хил танловлар ҳамда байрамларда қатнашиб олқишларга эришмоқда, - дейди туман Халқ таълими бўлими мудири Раъно Рўзимбоева. - Санаторий-боғча замонавий жиҳозланган. Боғчада инглиз тили, иқтисод ва бошқа йўналишларда малакали тарбиячи ва педагоглар сидқидилдан жажжилар тарбияси билан машғул. Мактабгача таълим муассаса бўйича бош услубчи Нигора Ибодуллаева бошчилигида барча боғчаларда ўтказилаётган доимий семинар машғулотлари ўз самарасини бермоқда.

**Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ,**
**“Ишонч” мухбири**





Учкўприк туманида мавжуд техника воситаларини баҳорги дала ишларига тайёрлаш учун ўзига хос йўл танланди. Гап шундаки, айни пайтда барча қишлоқ хўжалиги техникаси марказлашган ҳолда таъмирдан чиқарилиб, мавсум учун тахт қилиб қўйилди.

Айни кунда туман машина-трактор парки акционерлик жамиятида 83 та чопиқ трактори, 83 та культиватор, 87 та чигит экиш механизмлари мавсум учун ҳар қачонгига қараганда анча олдин тайёрлаб бўлинди.

Машина-трактор паркида таъмирталаб техникалар махсус қозонларда ювилиб тозалангач, яроқсиз деталлар олиниб махсус устахоналарда қайта таъмирланиб ўрнатилади. Ҳозирда марказий устахонада сеялка ғилдираклари учун махсус зарурий эҳтиёт қисмлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

**Суратларда: таъмирловчи чилангар Махмуджон Парпиев пахта экиш сеялкаларини таъмирлашда илғорлардан; чилангарлар Ёқубжон Ўринов, Элёр Парпиев ва Баҳодир Сатимов.**

**Ш. ОЛИМОВ**
**(ЎзА) олган суратлар.**

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Вилоятда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабаларининг анъанавий «Баркамол авлод-2005» спорт ўйинларига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Мусобақаларнинг асосий қисми Чирчиқ Олимпия захиралари касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтади.

Айни пайтда коллежда кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти. Мамлакатимиз терма жамоаларига номзод спортчилар тайёрлаб беришга ихтисослашган мазкур билим маскани қурилиши учун Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тегишли маблағ ажратган. Иш қизғин кечаётган шу кунларда бу ерда бир ярим минг қурувчи меҳнат қилмоқда.

Ўқув биноси ҳамда уч юз ўринли ошхона ва ётоқхона, шакли ва ҳажми, меъморий ечими жиҳатидан мамлакатимизда ягона ҳисобланган ёпиқ спорт мажмуаси қурилиши якунланиш арафасида. Мажмуа иш бошлагач, унда йигирмадан ортиқ спорт тури билан шуғулланиш имкони пайдо бўлади. 13 минг томошабинга мўлжалланган янги стадионда эса «Баркамол авлод» спорт мусобақалари тантаналарини ўтказиш режалаштирилган.

**(ЎзА)**

### *Қонун барчага баробар*

# СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

## Ўзгаришсиз қолдирилди

Ҳозирги кунда фуқаролик ишлари бўйича судларига тушаётган аризаларнинг талайгина қисмини уй-жой можароси ташкил этаётир. Қуйидаги воқеа бунга мисол. Махфират Ғаппарова ва Исроил Пахриддиновлар 1981 йилда турмуш қуришган, 4 фарзандлик бўлишган, кейинчалик муросалари тўғри келмаганлиги сабабли ажралишган, шундан сўнг уй можароси келиб чиққан. Иш судгача бориб етган. Даъвогар Махфират Ғаппорова Наманган вилоят суди аппеляция инстанциясига ёзган шикоятида суд унинг олди-сотди шартномасини бекор қилиш ва собиқ турмуш ўртоғидан уйни сотиб олган Фарида Дадамирзаевани оила аъзолари билан уйдан кўчириш ҳақидаги даъвосини муҳокама қилмаганлигини, автомашинанинг ярим қийматини ундириш қисми асоссиз рад қилинганини, уйга кириб-чиқадиган йўлак қонуний ҳал қилинмаганини кўрсатиб, ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраган.

Жиноят ишлари судида одатда эътибор кўпроқ тергов материалларига қаратилади. Фуқаролик ишлари судларида эса бундай имконият йўқ. Масала суд жараёнида, баҳс туғилганда экспертиза тайинлаш йўли билан ҳал этилади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Суд томонларнинг, прокурор ва ҳимоячиларнинг фикрини эшитди. Наманган шаҳар “Янги ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғини томонидан берилган далолатнома эътибор марказида бўлди. Аппеляция инстанцияси суди даъвони қисман қаноатлантириб, Наманган туманлараро судининг 2004 йил 7 декабрдаги ҳал қилув қарорига Исроил Пахриддиновдан даъвогар фойдасига уй ҳисобига ундирилган фарқ сумма 529.296 сўмни 1.500 минг сўмга ўзгартириш ҳақида ажрим чиқарди. Даъвонинг қолган қисми рад этилди.

Худди шунингдек, Иминжон Абдуллаев ва унинг ишончли вакили ҳимоячи Е. Инамованинг суд қароридан норози бўлиб келтирган апеляция шикоятлари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик Кодекси"нинг 187-моддасида "эгалик" ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат кўрсатилган бўлиб, ушбу модда талабига кўра мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган шахс эгалик ҳуқуқини олади, деб кўрсатилган. Ҳолбуки, иккинчи, биринчи инстанция судида мулк ҳуқуқи эътироф этилган Раҳимжон Абдуллаев ва унинг ўғли Каримжон Абдуллаевлар низоли ҳовли-жойда 1960 йилдан бошлаб яшаб келиб, иморатларни ҳалол, ошкора тасарруф қилиб, барча чиқимларни тўлаб келганлар. Ўтган давр ичида Иминжон Абдуллаев томонидан ҳеч қандай эътирозлар билдирилмаган. Уй-жойга меросхўрман, дегани ҳолда отаси Абдулла Сидиқов 1964 йилда вафот этгандан сўнг қонуний тартибда меросни қабул ҳам, тасарруф ҳам қилмаган. Қачонки, даъвогарлар томонидан тегишли ҳужжатлар тайёрланиб Абдулла Сидиқов номига эгалик ҳуқуқи белгиланиб, сўнг Иминжон Абдуллаев номига мерос гувоҳномаси олиниб, аввал 200 минг, сўнг 500 минг сўмга келишгандан сўнг пул масаласида низо чиққач, Иминжон Абдуллаев томонидан судга даъво қўзғатилиб ҳадя шартномаси бекор қилинган. Қизиғи шундаки, Иминжон Абдуллаев мерос гувоҳномасини ўз номига олиш ҳамда ҳадя шартномаси асосида Каримжон Абдуллаев номига ўтказиб берганда эътироз билдирмаган. Унинг ва вакил баёноти бўйича 500 минг сўм берилганда ҳеч қандай низолашишлар бўлмасди. Бу ҳолат низоли жойдаги иморатлар даъвогар Р. Абдуллаев томонидан қурилиб оила аъзолари билан тасарруф қилиб келганини исботлайди. Бундан ташқари, Иминжон Абдуллаев низоли уй-жойда 1990 йилгача яшаб келиб, шундан сўнг жияни Каримжон Абдуллаевга вақтинча фойдаланиш учун берганлигини, иморатлар отаси томонидан қурилганини кўрсатган бўлса-да, судда ушбу ҳолатларни тасдиқловчи далил ёки гувоҳларни тақдим эта олмаган. Аппеляция суди суднинг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

**Шоира АБДУРАЗЗОҚОВА,**
**Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят суди судьяси**

